



(1123-1197)

Букж факих Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фаргоний ар-Риштоний ал-Маргиноний 1123 йил 23 сентябрда тугалган. У Куръонни, хадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикх — ислом ҳуқуқшунослиги борасида бенихоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада бекиёс дурдоналар яратганлиги туфайли Бурхон уд-дин вал-л-милла ва Бурхонуддин ал-Маргиноний номлари билан машхурдир.

Бурхонуддин ал-Маргиноний дастлабки таълимни Маргилонда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самаркандга кўчиб борган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Мавлоно Бурхонуддин ал-Маргиноний ёшлик чоғлариданок Куръони Каримни ёд олиб, хадисларни чуқур ўрганган.

У балогат ёшига етганида мукаммал илмга эга бўлганига карамай устозлардан таълим олишни давом эттирди. 1149 йили Бурхонуддин ал-Маргиноний хаж сафарига борди. «Китоб ул-машойих» («Шайхлар хақидаги китоб») асарида у ўзи таълим олган 40 дан ортик шайх ва алломани санаб ўтган. Бу рўйхатда Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу ал-Асир ал-Байдавий, Абу Ёқуб ас-Саярий, Абу Исҳоқ ан-Навқадий, Жаъфар ал-Хиндувонийларнинг номлари бор.

Кейинчалик у фикхга оид масалалар билан кизикиб, ўша даврнинг кўзга кўринган алломаларидан «Ал-Мухит» («Илмлар денгизи») асарининг муаллифи Умар ибн Маъза, «Ал-Фатава ва фавоид аз-Заҳира» («Фатволар ва зохир нарсаларнинг фойдалари») асарининг муаллифи Зоҳир уддин ибн Умар ал-кодий ал-Бухорий ибн ал-Итобий ва бошқаларнинг назарига тушган.

Бурхонуддин ал-Маргиноний ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиш билан бирга ўзи ҳам фикхга оид бир катор асарлар яратган. Бизгача етиб келган асарларидан «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажма ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўпла-ми»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби») ва бошқалар маълум.

Ал-Маргинонийнинг бутун ислом оламида машхур бўлган «Хидоя» асари 1178 йили Самаркандда ёзилди. Махмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг «Катоиб ул-аълом ал-ахёр фи табокот фукахо ва ма-шойих мазхаб ан-Нуъмон» («Нуъмон мазхабига мансуб бўлган таникли аллома факихлар ва шайхлар хақидаги китоб») номли асарида келтирилишича, Бурхонуддин ал-Маргиноний «Бидоят ал-мунтахий» асарининг сўз бошида «Хидоя»нинг яратилиши хусусида шундай ёзган: «Абу-л-Хасан Али ибн Бакр Абд ул-Жалил бир куни фикх масалаларига багишланган хажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги хақида фикр билдирди. Ирокка сафар килганимда у ерда «ал-Мухтасар ал-кудурий» («кудурий кискартмаси»)ни кўрдим. У фикх бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча «Жомеъ ус-Сагир» («Ки-чик тўплам») дан фойдаланган эди. Шунда фикхга оид барча асарларни жамлаб, улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга «Бидоят ал-мунтахий» деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарх ёзиб, уни «Кифоя ул-мунтахий» деб номладим». Кейинчалик бу асарларнинг ҳам хажми катталик килиб, янада мўъжаз бўлган, бутун ислом оламида ханафия мазхабининг фикх масалаларида асосий қўлланмасига айланган ал-Маргинонийнинг «ал-Хидоя» асари яратилди. Бу асар бутун мусулмон оламида машхур бўлиб кетди, мусулмон ҳукуки — фикх бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинди.

«Хидоя»нинг асосини фикх илми асосчиларидан бўлган Абу Хани-фа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдуллох, Ахмад ибн Ханбалларнинг йирик асарлари, бу алломаларнинг шогирд ва сафдошларидан имом Абу Юсуф, имом Абу Абдуллох ибн Хусайн аш-Шайбоний (имом Муҳаммад), имом Абу-л-Хазл Зуфар ибн Хазлларнинг асарлари, дастлабки тўрт халифа ва саҳобаларнинг ривоятлари, улар хабар килган ҳадислар ташкил қилади. Бундан ташқари, «Хидоя»да асосий фикхий масалаларнинг шарҳи ва ечимиди Муҳаммад Баздавийнинг «Мабсут», ибн Исо ат-Термизийнинг «Жомеъ ул-Кабир» («Катта тўплам»), кудурийнинг «ал-Мухтасар ал-кудурий» каби асарларига ишора қилинади.

«Хидоя»да ҳукукий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикд олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилади.

«Хидоя» тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар: таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж китобларидир. Иккинчи жузга никоҳ, эмизиш, талок, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарсаси, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вакф мулк қилиб масалалар киритилган.

Учинчи жузда эса олди-сотди, пул муаммолари, қафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни саклашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган.

Тўртинчи жузда эса шафоат, мерос тақсимлаш, дехқончилик ҳамда богдорчилик

хусусида шартнома, курбонликка сўйиладиган жонзод хакида, умуман курбонлик килиш хакида, шариатга зид ёмон нарсалар хакида, ташландик ерларни ўзлаштириш хусусида, такикланган ичимликлар хакида, овчилик, гаровга бериш, жинойтлар хусусида, хун хаки тўлаш, васият каби масалалар ёритилган.

«Хидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатлари-да, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инкилобидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шариат козилари бекор килиниб, совет суд системаси жорий килингунча амалда бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади. «Хидоя»нинг 1893 йилда рус тилида қисқартирилган таржимаси Н. П. Гродеков томонидан нашр этилган.

Ўзбекистоннинг мустиқликка эришуви туфайли ислом ёдгорликлари, жумладан, шариат, фикхга оид асарларни ўрганиш, бу соҳадаги бой меросимизни нашр этиш имконияти вужудга келди. Ватандошимиз ал-Маргинонийнинг «Хидоя» асари ислом ҳуқуқшунослигида машҳурлигини назарга олиб Н. И. Гродековнинг инглизчадан русчага қилган ва тор дойра учун мўлжалланган «Хидоя»нинг 1-қитоби Тошкентда 1994 йилда юридик фанлари доктори А. Х. Саидовнинг сўз бошиси ва шарҳи билан қайта нашр этилди.

Ўзок мусулмон оламида ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган «Хидоя» ва унинг муаллифи Маргиноний фаолияти ўз тадқиқотчиларини қутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилда ал-Маргинонийнинг 910 йиллик таваллуд санаси кенг жамоатчилик томонидан тантанали равишда нишонланди.